

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2008 йил, 16 июль, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 136 (11.197)

Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

● Термиз шаҳрида «Ўзбекистон Мустақиллик йилларида: жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашда аёлларнинг ўрни» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида сиёсий партиялар, хотин-қизлар кўмиталари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раёсатининг Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилишида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар атрофида таҳлил этилиб, ўзини ўзи бошқариш органларида бўлиб ўтадиган ҳисобот-сйллов йиғилишларига тайёргарлик кўриш, маҳалла по-сбонларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлигини мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Самарқанд шаҳридаги машҳур Сибб бозорини қайта реконструкция қилишга киришилди. Бунинг учун бозор акциядорлик жамиятига 5 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

● Андижон шаҳридаги Чўлпон номидаги боғда қасаначилар маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда «Асака-стиль» акциядорлик жамиятида фаолият кўрсатаётган 120 нафар ишчи ҳамда булоқ-бошилиқ Малоҳатхон Абдуллаеванин жундан тўқилган маҳсулотларига юқори баҳо берилди. Тадбир давомида бўш иш ўринлари бозори ҳам ташкил этилди. 46 та корхона ва фирма 400 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этган меҳнат ярмаркасида 125 та фуқаро ўзи ёқтирган соҳа бўйича ишга жойлашди.

● Бекобод туманидаги «Далварзин таъмирлаш заводи» корхонасида турли русумли двигателлар ва техникаларни соғлаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва ёввойи ўтларга қарши курашишда асқотадиган пурақичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● «Самарқандқимё» АЖда янги ўғит тури—маъданли суспензия ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозиргача 500 тоннадан ортиқ янги ўғит тайёрланган бўлиб, корхонанинг ушбу маҳсулоти шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Украинага ҳам етказиб берилмоқда.

● Янгиқўрган туманининг Новақат қишлоғидаги «Арафа» МЧЖ томонидан пишиқ гишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги корхонада бир қунда 10 минг донадан ортиқ гишт ишлаб чиқарилаётган бўлиб, қишлоқ ёшларидан 50 нафари иш билан таъминланди. Корхона ўз маҳсулотларини Янгиқўрган тумани қурилиш ташкилотларига етказиб бермоқда ва ҳам ашё билан Чортоқ ва Косонсой туманлари, шунингдек, Наманган шаҳридаги қурилиш объектларини таъминламоқда.

**ЖАҲОНДА**

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Грузиянинг мамлакат ҳаво чегарасининг бузилиши бўйича махсус комиссиянинг йиғилишини қақриш тўғрисидаги муножаати қабул қилинди.

● Халқаро атом энергияси агентлиги бошқарувчиларининг Кенгаши (МАГАТЭ) 1 августда Ҳиндистон ва АҚШнинг атом энергетикаси бўйича келишувнинг имзоланиши доирасида Ҳиндистон ядро объектлари инспекциясининг режалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

● Франция Президенти Никола Саркози Ирландиянинг Лиссабон битими бўйича янги референдум ўтказиши лозимлигини таъкидлади.

● Кеча Буюк Британиядаги 100 мингдан ортиқ давлат хизматчилари ойлик маошларининг оширилишини сўраб умумий иш ташлашни бошлади.

● Бугун Исроил ва «Ҳезбаллох» ташкилоти ўртасида ҳарбий асирларни айирбошлаш амалга оширилди.

● АҚШда телефон мулоқотларини яширин эшитиш мумкинлиги ҳақидаги янги қонун кучга кирди. Мутасаддилар мазкур қонун асосан террорчиларнинг гаразли мақсадларининг олдини олишда катта ёрдам беришини таъкидлашмоқда. Янги қонун мамлакат махсус хизматларига телефон мулоқотларини тинглаш учун қафолат яратиб берди.

● Хитой ҳукумати май ойи бошида кучли зилзилалар рўй берган Сичуань музофотининг кўплаб ҳудудларини сайёҳлар учун очик деб эълон қилди. Бироқ ер қимирлашидан энг кўп зарар кўрган 30 та уездда аввалги тақик ҳозирча ўз кучида қолиши белгиланди.

● «Катта саккизлик» мамлакатлари Чернобиль фондига қўшимча равишда 62 миллион доллар ажратишга қарор қилишди.

● Тез орада Хитойда навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари бошланади. Шу муносабат билан мамлакат ҳукумати барча Интернет-провайдерлар ҳамда мобил операторларига Олимпиада учрашувларининг махсус руҳсатномасиз тўғридан-тўғри узатилишини тақиқлаб қўйди.

● Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган беллашувда украиналик оғир вазндаги профессионал боксчи Владимир Кличко 11 раундда америкалик Тони Томпсонни нокаутга учратиб IBF (Халқаро бокс федерацияси) ва WBO (Бутунжаҳон бокс ташкилоти) йўналишлари бўйича ўзига тегишли бўлган жаҳон чемпиони унвонини муваффақиятли ҳимоя қилди.



## Кўргазмалар

### ЗАМОНАВИЙ МИНИ-ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Айтиш керакки, кейинги йилларда юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлов-чиқариш самараси ўлароқ, ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол моллари нафақат ички бозоримизда, балки «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардор бўлиб, барча кўрсаткичлар бўйича жаҳон андозаларига жавоб беради. Боиси, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжуд корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаб модернизация қилаётгани муваффақиятлари омили бўлмоқда. Қувонарлиси, юртимиз тадбиркорларининг илгор мини-технологиялар қидириб юришларига ҳожат қолмади.

Мазкур кўргазма ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш Давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Унинг очилиш маросимида ташкилотлар томонидан Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатларининг узок йиллик ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари хусусан савдо-иқтисодий соҳада ҳам йил сайин ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб

хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Эътиборли томони, ушбу кўргазмада Ҳиндистоннинг миллий кичик саноат корпорацияси тизимидаги 50 га яқин йирик компанияларнинг замонавий ва теҳамкор (ишлашда жуда қулай, бежирим) мини-технологиялари, ихчам ускуналари намоийишга қўйилгани боис уларни шу ернинг ўзиде ишлатиб қуриш имконияти яратилган. Бу эса кўргазманин янада ишчан рўҳда лари учун мўлжалланган ускуна, мини-технологиялар билан яқиндан танишиш имкониятларини синондан ўтказиб шу ерда уларни харид қилиш бўйича шартномалар имзолашлари мумкин.

Кўргазмани айланар эканмиз, бешта корхонани бирлаштирган спорт жиҳозлари ва буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ҳиндистоннинг энг йирик компанияларидан бири ҳисобланган: —Emt See Cee Sports PVT.LTD.га павильонлардан ажратилган жой одамлар гавжумлиги билан алоҳида ажралиб турганлигининг гувоҳи бўлдик. Сифатли, бежирим, башан спорт маҳсулотлари «Jopex» савдо белгиси билан тайёрланиб, АҚШ, Австралия, Канада каби дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилиниши бежиз эмаслигини ушбу тадбирда.

Сирасини айтганда кўргазма давомида томонлар ўртасида узок муддатли кўлаб шартномалар имзоланди, ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди. Бинобарин икки юзга яқин савдо шартномаси имзоланди, бу эса юртимиз ишбилармонлига иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишларида имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАНДА: «Кичик бизнес учун Ҳиндистон минитехнологиялари—India minitech-2008» кўргазмасидан лавҳалар.**  
Р. Жуманиёзов (ЎЗА) ва Х. Солихов олган суратлар

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШНИ РАҚБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш жараёнига татбиқ этишни рақбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустақам алоқасини таъминлаш мақсадида, шунингдек, илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилганда инновацион гоғлар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ҳар йили ўтказиланди.

Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг ҳар йили ўтказилишини ташкил қилиш Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар ривожлантирилишини мувофиқлаштириш қўмитаси зиммаларига юклансин.

2. Ўрта муддатли истикболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тасдиқланган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳамда Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини юқори даражада ўтказиш ишларини мувофиқлаштириб бориш учун 2-иловага мувофиқ тарихида Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи тузилсин.

Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (Ш.М.Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар ривожлантирилишини мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари мазкур қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлансин.

4. Амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологиялар ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари қуйидагиларни:

хўжалик юритувчи субъектларнинг амортизация ажратмалари ва соғ фойдаси, шунингдек, буортмачиларнинг мақсадли тушумларини шакллантириш манбаларидан иборат бўлган модернизация ва янги технологиялар жамғармаларини;

тармоқ ва корхонани инновацион ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмалар, зарур ҳолларда эса — лойиҳа-конструкторлик бюраларини ташкил этишда хўжалик бошқаруви органлари ҳамда корхоналарга қўмақлашсин.

5. Қуйидагилар ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларини инновацион ривожлантириш таркибий бўлинмаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

замонавий ускуналар ва технологияларнинг халқаро ва маҳаллий ишланмаларини ўрнатиш, шу асосда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишининг ҳар йили ва ўрта муддатли дастурларини шакллантириш;

маҳаллий амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буортмалар жамламасини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш;

амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини корхона фаолияти амалиётига татбиқ этиш.

Мазкур таркибий тузилмалар фаолиятига татбиқ этилган лойиҳалар ва ишланмалар сони, шунингдек, улардан олинган иқтисодий самарага қараб баҳо берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар ривожлантирилишини мувофиқлаштириш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилансинки, модернизация ва янги технологиялар жамғармасига йўналтирилган маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан илмий амалий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни, тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этишни молиялаштиришда фойдаланилади.

8. 2013 йилнинг 1 январига бўлган даврда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилганда амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш қисмида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

9. Илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида олиб қилинаётган ускуналар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009-2012 йиллар мобайнида давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бораётган илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория ускуналарини модернизация қилишга маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2009 йилнинг 1 январига бўлган муддатда илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория ускуналарини модернизация қилишга халқаро молия институтларининг мақсадли грант маблағларини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 15 июль

XXI асрда инсон ҳуқуқлари, шахсининг шаъни ва эркинлиги учун кўп асрлик курашларда шаклланган, умуминсоний кадриятларга асосланган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми барча ижтимоий жараёнларнинг марказини ташкил этади. Мамлакатимизнинг ривожланиш таъриби шундан далолат берадики, инсон ҳуқуқлари ўзбек халқига хос кадрият ва жон ҳуқуқий кадрияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган бизнинг дунёқарашимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида мустақамланиб кўйилганидек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Асосий қонунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси давлатнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи юздан ортиқ янги қонунлар қабул қилиниб, кўплаб ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар яратилди, йилдан-йилга давлатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 60 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилди, БМТ ва ЕХТТ доирасида қабул қилинган, муҳим халқаро шартномаларни амалга ошириш зарурияти юзасидан келиб чиқадиган ишларни рўёбга чиқармоқда.

Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари инсон ҳаётининг турли соҳаларини, яъни шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жаҳалларини қамраб олиб, ана шу соҳалардаги ҳуқуқларини таъминлаб беради. Фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларнинг таъминлаши давлат ва маҳаллий органлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан амалга ошириб борилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳал этилмаган муаммолар сонини ҳар бир минтақада ва ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда мавжуд бўлиб, уни фақат турли давлат ва фуқаролик институтларининг биргаликдаги ҳамкорлигини қўллайдиган йўли орқали ҳал этишга эришиш мумкин.

Ўзбекистон XXI асрга ўз эрки, ҳурлигини қўлга киритиб, изоҳотлар, туб ўзгаришлар, жамиятни янгилаш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзи танлаб олган йўлидан собитқадмлик билан бормоқда.

Халқимиз учун мустақилликнинг ўтган йиллари сермазун воқеаларга бой бўлиб, аваламбор бу давр мобайнида миллий давлатчилигимизнинг пойдеворини шакллантириш билан узвий боғлиқ бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, ўзидан юксак инсонпарварлик ғояларини муҳасамалаштирган Ўзбекистон Конституцияси эндиликда ҳаётимиз дастуруламалига айланди.

Конституция —бу давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий, иж-

тудия асосида мана ўн олти йилдири, республика меърий ҳуқуқий ҳужжатларнинг бутун жамламаси (мажмуи) қайта кўриб чиқилмоқда ва ислоҳ қилинмоқда.

Конституция инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ва аввало, БМТ ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига асосланиши керак, Агар биз тараққий этган жамиятни, давлатни кўришни хоҳласак, жон таърибасини ўрганишимиз, унинг қонуниятларини тушуниб етишимиз ва шу асосда ўзимизнинг

кенгайтирилиши уларнинг бир-бири билан ҳуқуқий тизимларини ва халқаро ҳуқуқ билан ўзаро таъсирини кенгайтиришга олиб келади. Кўп сонли халқаро нормалар давлатларнинг ички қонунийлигининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Зеро, бу ҳуқуқлар мажмуи давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий тизими, унинг демократия даражаси характерини белгилайди. Демократия яққол кўринишидир, давлат эса халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади.

Ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга риоя қилиниши миллий ва умумий барқарорликнинг зарур шартини ҳисобланади. Шу сабабли иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг «Адолат — қонун устуворлигида» маърузасида Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, аваламбор инсон ҳуқуқини устуворлиги таъминланади. Ҳимоянинг асосий субъекти инсон ҳисобланади» деб қайд этган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида ва унга риоя этилиши устидан назорат механизмининг ташкил этилиши стандартларини ишлаб чиқишда халқаро ҳамжамият катта таърибага эга. Уларнинг таъминлашига қафолат бўлиб, давлат, унинг номидан эса ҳокимият ва бошқарув органлари ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Конституциянинг 93- моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг қафолатидир» деб мустақамланган.

Халқаро микёсда инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқларига оид халқаро Пактларда ўз ифодасини топади. Биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қайд қилиш лозим, унда маънавий аҳамиятга эга бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий стандартлар қайд этилган бўлиб, унга барча халқлар ва барча давлатлар эришишга интилишлари керак бўлган чораларни таъминлашлари лозим бўлади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини 1991 йил 31 август кунини эълон қилгандан сўнг бир ойдан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, юридик фанлари доктори, ТДЮИ кафедра мудири

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

**УМУМЭТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ БМТНИНГ НИЗОМИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД БОШҚА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚЛАР ҚОИДАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ДИНАМИЗМИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ УЧУН ҲАМ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ УЧУН ҲАМ ХАРАКТЕРЛИДИР. БУ АСОСАН ЯНГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИДА, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҚОНУНЛАРИМИЗНИНГ ТУБДАН ЯНГИЛАНИШИДА КЎЗГА ТАШЛАНАДИ.**

тимий-иқтисодий табиатини ифода этади. Конституция —бу давлатнинг ҳуқуқий асосидир, унга мувофиқ ҳокимият ва бутун давлат механизми фаолият кўрсатади. Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди ва ҳимоя қилади, ижтимоий тараққиётнинг асосий йўналишларини, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ривожланиш жиҳатларини белгилаб беради.

Конституцияда Ўзбекистон халқининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлиги эълон қилинди ва у демократия умуминсоний принципига асосланади. Юқорида қайд этганимиздек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий кадрият ҳисобланади. Республика Конституцияси Асосий Қонун сифатида қонунчиликнинг ривожланиши учун қудратли туртки бўлди. Конституциявий ҳуқуқимизни, унинг асосида юксак ҳуқуқий маданиятимизни шакллантиришимиз тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида чет эл давлатлари билан яқин алоқаларни ривожлантирмоқда. Мамлакатимизнинг кенгайиб бораётган халқаро алоқалари нафақат бутун жамият ҳаётига, балки ҳар бир фуқарога ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси умум тан олинган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади.

Халқаро ҳуқуқ асосларини библиш фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон ҳаётининг глобаллашув жараёнлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қулай шароит яратмоқда. Давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг

### ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИДА "МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИ" МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур институт ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов, мазкур институтнинг лойиҳа раҳбари Н.Зоҳидова, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдек масъулятли жараённинг пировард мақсади инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдан иборат эканини таъ-

### ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — ҲИМОЯДА

кидладилар. Айниқса, хотин-қизлар, ёшларнинг фаолигини янада ошириш, уларнинг мавқеини юксалтириш, ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш, жамиятда ўз муносиб ўрнига эга бўлиши учун зарур ижтимоий, сиёсий-иқтисодий шароит ва имкониятларни яратиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Унга кўра юртимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, жойларда уларни иш билан таъминлаш, саломатлигини мустақамлашга оид чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайди.

Шу билан бирга фаолияти ижтимоий соҳага йўналтирилган хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий ва коллатларини кенгайтириш, фаолият самарадорлигини янада ошириш доимий эътибор-

да. Бугунги кунда хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг салмоқли қисми таълим, аёллар ҳуқуқлари, репродуктив саломатлик, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш каби соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигини 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони юртимизда демократик кадриятларнинг янада мустақам қарор топиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини изчил таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Ўзбекистон хотин-қизларининг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашдаги аҳамияти, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎЗА

### РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА 11 ИЮЛЬ – ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН "ЎЗБЕКИСТОН – АҲИЛ ОИЛА" МАВЗУИДАГИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ. У РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ИЖТимоий ҲАРАКАТИ, "МАҲАЛЛА" ЖАМФАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

## ЎЗБЕКИСТОН — АҲИЛ ОИЛА

Тадбирда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Республика байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев, Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг масъул котиби А.Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида мамлакатимизда барча жаҳалларда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик каби таъмоиллар бош мезон бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Юртимизда бир юз ўттизга яқин миллат ва элат вакиллари истикомат қилади. Мамлакатимизда уларнинг аънава ва кадриятлари, урф-одатларини ривожлантириш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бир юз элликдан ортиқ миллий маданият марказларининг фаолият олиб бораётгани бунинг далилидир.

Ушбу марказлар фаолиятини мувофиқлаштиришда, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустақамлашда Республика байналмилал маданият марказининг муносиб ҳиссаси бор. Барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида марказ томонидан юртимизнинг барча гўшаларида турли маданий-маърифий тадбирлар, дўстлик фестиваллари, бадий кўргазмалар, концертлар, марафонлар ташкил этилмоқда.

Тадбир якунида санъат усталари, ижрочи ёшлар, миллий маданият марказларининг бадий жамоалари иштирокида концерт намойиш этилди.

### Ўқув масканларида

## КАСБ МАЛАКАЛАРИНИ ЭГАЛЛАШДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ БАРЧА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ҚУВОНЧЛИ КҮН — ДИПЛОМ ТОПШИРИШ МАРОСИМЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЗЕРО, БИР НЕЧА ЙИЛ ДАВОМИДА ЗАМОНАВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР АСОСИДА КАСБ-ҲУНАР СИРЛАРИНИ ЎРГАНИГАН ЁШЛАР ЭНДИЛИКДА КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЯДИЛАР.

Тошкент Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ҳам битирув кечаси жуда чиройли ўтди. Коллежни бу йил 359 нафар ўқувчи тамомлаётган бўлса, шундан 59 нафари аъло ўқиши ва намунали хулқи учун имтиёзли диплом соҳиби бўлди.

Ота-оналар билан гавжум тадбир давомида коллеж директори Абдурашул Зокиров, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» бирлашмаси бошлиғи Алишер

Ашуров, «Наврўза» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Рамеш Ни, «Маҳалла» жамғармаси Чилонзор тумани бўлими раиси Ҳамза Холмуродов, «Алгоритм» АЖ бош технологи Алишер Каримов ва бошқалар барча битирувчиларга катта ҳаётда оқ йўл тилашиб, келгусида ўз касбининг усталари бўлиб етишишлари, олий ўқув юрталарида ўқишларини давом эттиришлари борасида дил сўзларини изҳор эттиди.

Таъкидлаш жоизки, деярли барча битирувчилар билан «Алгоритм», «Фотон», «Зенит», «Технолог», «Ройсон», «Ўзаэронавигация», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» каби корхона ва ташкилотлар ишга қабул қилиш юзасидан шартномалар тузишган бўлиб, уларнинг кўпчилиги шаҳримиздаги нуфузли олий ўқув юрталарига ҳужжатларини топширишди.

Кувонарли томони шундаки, дипломларни топшириш маросимидан сўнг ўқув масканини аъло баҳоларга битирган ўқувчилар дўстлик ва тинчлик рамзи бўлмиш оқ кабутарларни самога учтиришди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: коллежда дипломларни топшириш маросимидан лавҳалар. Қозим Ўлмасов олган суратлар



## ЎЗБЕКИСТОН-ЎМОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизга ташрифи чоғида Сауд ал-Лаватий Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва Ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, Саудо-салот палатасида учрашувлар ўтказди. Элчи жаноблари, шунингдек, ЎзФанинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси ҳамда пойтахтимизнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган суҳбат чоғида элчи сафар натижалари ва икки давлат муносабатларининг истиқболлари хусусида фикр юритди.

Дипломатнинг айтишича, Ўзбекистон билан Ўмон кўп жиҳатдан ўхшаш мамлакатлар ҳисобланади. Халқларимизни ягона дин, бир-бирига яқин ва ўхшаш маънавий кадриятлар ҳамда ислом маданияти ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки давлат ҳам бой тарихга эга. Ўзбекистон мусулмон оламига ўзининг маънавий ва интеллектуал мероси, ислом цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа буюк олим ҳамда мутафаккирлари билан машҳур.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар истиқболлари ҳақида гапирар экан, элчи яқин кўнлар ичида Ўзбекистонга Ўмон Султонлиги олий таълим вазири Ровия бинт Сауд ал-Бусайдиани хоним ташриф буюришини айтиб ўтди. Мазкур ташриф мамлакатларимизнинг таълим соҳасидаги сермахсул ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Шу йилнинг апрель ойида Ўмон Султонлиги халқ таълими вазири Рўб бин Сауд ал-Сулваймоний юртингизга ташриф буюрганини инобатга оладиган бўлса, мамлакатларимизнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги кенг қўлаб касб эътабтани намоён бўлади.

— Айни пайтда биз умонлик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкиллаштириш билан боғлиқ ишларни амалга оширяймиз, — дейди элчи жаноблари. — Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни мустақамлашга ҳисса қўшиши қўлимда. Ўзбекистон билан Ўмонда сайёҳлик соҳасида улкан салоҳият мавжудлигини ҳисобга олсак, томонлар бу борада ҳам ҳамкорликни ривожлантириш учун яқши имкониятларга эга. Бунга, шунингдек, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиш чоғида ҳам ишонч ҳосил қилдим. Юртингиз нафақат Ўмон, балки Форс кўрфазини мамлакатлари сайёҳларини жалб этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларга, хусусан, муҳташам меҳмонхоналар, йўл инфратузилмаси, гўзал ва ҳўшманзара табиатга эга, шунингдек очикқўнғил ва меҳмондўст инсонлари билан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида иқтисодий тараққиёт, шунингдек сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда салмоқли ютуқларни қўлга киритди.

Ўмон элчиси Саид ал-Лаватий Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз халқига раванқ ва фаровонлик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қолди.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА муҳбири.

### Иқтисодиёт

## ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТНИНГ ЧИРОЙЛИ ДИЗАЙНИ, ЮКСАК СИФАТИ, РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАРИДА МУҲИМ ОМИЛ СНАЛАДИ.

«TUV Вьерго» Ўзбекистон—Германия—Англия қўшма корхонаси тадбиркорлари ҳам ўзлари тайёрлаётган маҳсулотларнинг сифати ҳамда талаблар даражасидаги замонавий дизайнга алоҳида эътибор билан ёндашади. Бунда, албатта, бозорни ўрганиш, ҳамкорлар билан алоқани мустақамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур корхонада замонавий мебель тайёрлаш линиялари ёрдамида малакали мутахассисларнинг сай-ҳаракатлари тўғрисида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг мебель турлари бозорда ўз ўрнини топган. Маҳсулот тайёрлашда маҳаллий ҳамда хориждан келтирилган хом ашёлардан фойдаланилади. Айниқса, Европа давлатларидан келтирилган фурнитур ва бошқа керакли қисмлар маҳсулотлар кўржини янада яхшилаб, хариддорлигини оширишда ёрдам бермоқда.

Қулай ва кўркам мебеллар ҳар қандай хонанин чиройли ва шинамлигини таъминлайди. Корхона мебелсозлари томонидан ишлаб чиқарилаётган офис мебеллари ҳам харидор диди ва талабига мосдир. Турлари йил сайин ортиб бораётган маҳсулотлар орасида янги дизайнли раҳбар ва ходимлар, қабулхоналар, конференц столлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буюртмачи талабига кўра уларни турли кўриниш ва ҳажмида тайёрлаб бериш имконияти мавжуд.

Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интилаётган тадбиркорлар келгусида четдан ҳам харидорларни жалб этиб, маҳсулотлари экспортини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

## ХАРИДОРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ЎЗИНИНГ СИФАТИ БИЛАН ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРГАНЛИГИ БОИС ҲАМ НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРДА, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ХАРИДОРЛАРНИ ТОПАДИ.

Бу борада эса уларни тайёрловчи тадбиркорларнинг ишбилармонлиги, имкониятларини топиб, улардан оқилона фойдалана олиши ниҳоятда қўл келади. Пойтахтимиздаги «SHARO PLAST-SERVIS» масъулятли чекланган жамиятида бир неча йилдири, «Polimer group» савдо маркази остида полимер қувурлар тайёрланмоқда. Илгор технолоялар асосида ишлаб чиқарилаётган мазкур рақобатбардош қувурлар бугунги кунда Қозғистон ва Қирғизистон давлатларидаги харидорларга ҳам етказиб бериляптики, бу корхона ахлининг ютуқларидан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона полимер қувурларининг бир қатор афзалликлари бўлиб, улардан сув ва газ ҳўжалигида кенг фойдаланилмоқда. Ушбу сифатли маҳсулотнинг 50 йиллик қафолат муддати бор. Қувурлар 16 миллиметрдан 400 миллиметр диаметргача бўлиб, буюртмаларга қараб тайёрлаб берилади. Бунда албатта, хориждан келтирилган замонавий линияларнинг ўзига хос ўрни бор. «Аммофос» акциядорлик жамияти, Навоий ва Олмалик тоғ-металлургия комбинатлари ва бошқа кўплаб йирик корхона ҳамда ташкилотлар полимер қувурларининг асосий буюртмачилари сирасидандир.

Тадбиркорлар чет эл бозорини ўрганиш асосида жаҳон андозаларига жавоб берадиган, хорижда ҳам харидорлар маҳсулотлар турларини яратишга интилишмоқда. Бундай маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун эса, шубҳасиз янги дастгоҳ ва ускуналар керак бўлади. Бунинг дилдан ҳис этган корхона ишбилармонлари ана шундай технология линиялар олиб келишга ва экспорт ҳажмини оширишга сай-ҳаракат қилишмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур



Туманларда

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. ХУСУСАН ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН 2002 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА 2004 ЙИЛ 29 АВГУСТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА - ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНЛАР ВА РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 29 АВГУСТДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОРИ БУ БОРАДАГИ ИШЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗИГА ХОС ДАСТУРУЛАМАЛ ВАЗИФАСИНИ ЎТАМОҚДА.

Дарҳақиқат юқорида таъкидлаб ўтилган Фармон ва қарорлар мустақил Ўзбекистонимиз эртаси бўлган ёшларнинг саломатлигини мустақ-

камлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, болалар спортининг узлуксизлиги ва оммавийлигини таъмин-

рилаётган ишлар, мураббийлар хизмати таҳсинга сазовордир. Биз болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сергели туман бўлими фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, спорт болажонларнинг энг севимли ва яқин ҳамроҳига айланаб улгурганига гувоҳ бўлдик.

— Туманимизда 2та болалар ва ўсмирлар мактаби ҳамда 1та болалар спорт мажмуаси юзлаб спортни жон-дилидан севган болаларни ўз бағрига олган,— дейди биз билан суҳбатда жамғарманинг туман вакили Равшан Гофуров.— 11- болалар спорт мактаби эса кураш турига ихтисослашган бўлиб унда курашнинг миллий, турон, яккакураш каби кўплаб турлари бўйича болалар сабоқ олмақда-



лашга хизмат қилмоқда. Бугунги кун болаларнинг баркамол шахс бўлиб етишишида спортнинг ўрни беқиёс. Негаки спорт ёшларимизни келажақда матонатли, шижоатли бўлиб вояга етишида замин бўлиб хизмат қилади. Албатта, пойтахтимизда фаолият юритаётган барча туманлардаги болалар спорт мажмуаларида олиб бо-



лар. 17-болалар спорт мактабида футбол ва сузишга кенг ўрин ажратилган ва бугунги кунда 345 нафардан зиёд болалар бу ерда жиддий шуғулланоқдалар. Замонавий, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган «Олимпия умидлари» болалар спорт мажмуасида хозирги кунда 600 нафардан зиёд спортчи ёшлар бокс, кикбоксинг, турон, таэквандо, спорт гимнастикаси, у-шу каби бир қанча турларидан сабоқ олмақдалар.

Этиборлиси, тумандаги барча спорт мажмуаларида мунтазам равишда турли спорт мусобақалари ўтказилиб турилади. Натижа ҳам чакки эмас. Спортчи ёшлар республика ва шаҳар мусобақаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Бунга мисол қилиб, айтиш мумкинки, шу йили Россияда бўлиб ўтган «Универсал жанг» бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаларида Сайёра Мирзаамедова қатнашиб 1-ўринни эгаллаб қайтди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мана шундай чемпионларни етиштириш учун мамлакатимизда авало

мактабгача таълим муассасаларига эътибор қаратилмоқда. Жаҳжи болажонларнинг спортининг ўзлари хоҳлаган турлари билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Турли спорт мусобақалари ва қизиқarli учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Сергели туманидаги 562-болалар мактабида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилди. Болалар калбини бир олам қувонгга тўлдирган ушбу тадбирда 25 нафардан ортик кам таъминланган оила фарзандларига турли спорт анжомлари совға сифатида топширилди. Энди улар спорт билан хоҳлаган вақтларида шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

— Мақсадимиз юртимизга муносиб бўлган жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни вояга етказишга ҳисса қўлишимиз,— дея суҳбатни якунлайди суҳбатдошимиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА  
СУРАТЛАРДА: Сергели туманидаги спорт мажмуаларида бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳалар

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ: ФАОЛИЯТ ОДИМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ» 2002 ЙИЛ 24 ОКТЯБРДАГИ ПФ-3154-СОНЛИ ФАРМОНИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги 374-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 7 ноябрдаги 626-сонли «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар худудий филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ жамғарманинг шаҳар филиали ташкил этилиб иш бошлади.

Ўтган қисқа вақт ичида Жамғармани Тошкент шаҳар филиали томонидан турли йўналишлар бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Болалар спорт мажмуалари қурилиши:

Тошкент шаҳрида болалар спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 2003-2007 йилларда 39 та спорт объекти (спорт мажмуалари, спорт заллари, капитал реконструкция ишлари) қурилди, 16 та янги болалар спорт мажмуаси, 21 та спорт мажмуаси қайта таъмирланган ҳамда 2 та умумтаълим мактабига қўшимча спорт зали

фойдаланишга топширилди. Ушбу қурилиш-монтаж ишларига ўтган давр мобайнида 11,5 миллиард сўм маблағ жамғарманнинг Тошкент шаҳар филиали томонидан ўзлаштирилди.

2. Болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, педагогик кадрлар билан таъминлаш:

Жамғарманнинг асосий вазифаларидан бири бўлган, болаларни оммавий спортга жалб қилиш борасида мавжуд моддий-техник имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда. Жумладан, 2003 йилда Тошкент шаҳрида мактаб ўқувчиларининг 27,1 фоизи (қизларнинг 23,6 фоизи) жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиб келган бўлса, 2007 йилга келиб 47,4 фоизи (қизларнинг 38,8 фоизи) доимий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланоқда.

Анъанавий «Ёғи таътил» тадбирларида ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига бормаган ўқувчилар ўртасида спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. 2005 йил ушбу мусобақаларда 96 276 нафар, 2006 йил 107 124 на-

фар, 2007 йил 108 544 нафар болалар фаол иштирок этишди. Уларнинг кўнгилли дам олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун жамғарма томонидан зарур спорт анжомлари олиб берилди.

Жамғарманнинг ижтимоий химоя доирасида олиб бораётган ишларидан бири, кам таъминланган оила фарзандларидан мунтазам спорт билан шуғулланаётганларига спорт кийимлари жамламаси ажратиб келади. 2006 йилдан буён жамғарма томонидан 289,7 миллион сўмлик 7 262 спорт кийимлари жамламаси ажратилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш борасидаги мактаблар жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича дастур доирасидаги ишлар миқдори 2003 йилда 93,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб 98,7 фоизга ўсди. Шу жумладан аёл ўқитувчилар билан таъминланиш миқдори 33 фоздан 34 фозга ортди.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЁШ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ- ҲАРАКАТЛАРНИНГ САМАРАСИ ТОБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, УЛАРНИ САЛОМАТЛИК МАНБАИ БЎЛГАН СПОРТГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЭЪТИБОРГА САЗОВОРДИР.

Катталар — ёшларга ибрат

ЯХШИ ҚАЙҒИЯТ ҲАМРОҲ БЎЛДИ

Шу маънода ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга, соғлом турмуш тарзига кенгрок жалб қилиш Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг доимий вазифаларидан биридир. Жамғарма мутахассислари спортининг оммавийлигини оширишнинг турли йул ва усулларини ишлаб чиқиб улардан кенг фойдаланоқдалар. Жумладан, турли қизиқarli учрашувлар, спорт усталари билан бўладиган жонли мулоқотлар улар қалбиди спортга меҳр уйғотишга хизмат қилмоқда.

Кун кеча мана шундай мусобақалардан бири Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ходимлари, туманлар вакиллари, болалар спорт мажмуалари раҳбарлари ўртасида спортининг сузиш, стол тенниси, волейбол, шашка, армрестлинг, 100 метр масофага югуриш, дартс ҳамда баскетбол турлари бўйича бўлиб ўтди.

—Ўтган давр мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда режалар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда,— дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори Асқар Толибжонов.— Ходимлар ўртасида ўтказилган мусобақа ҳам айнан ёшлар онгда ватанпарварликни тарбиялаш, мардлик, қатъиятлик, куч-гайрат ва интизомни мустаҳкамлашга қаратилган. Чунки мураббийлар ҳар соҳада ўзлари ибрат ва намуна бўлишлари керак.

Мирзо Улугбек туманидаги «Юзраб» болалар спорт мажмуасида бўлиб ўтган ушбу мусобақа гоятда қизиқarli ва таассуротларга бой бўлди. Тадбир иштирокчиларининг барчаси жамғарманнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нилуфар АБДУВОИТОВА,  
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими мутахассиси

Маҳалла

ҚИЗИҚАРИ МУСОБАҚАЛАР ЎТҚАЗИЛДИ

БОЛАЖОНЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАРОҚЛИ ВА ҚИЗИҚАРИ ЎТҚАЗИШ УЧУН ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.


Хусусан, ўтган жума, шанба ва якшанба кунлари Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик», Беруний, Учтепа туманидаги «Кўрғонтепа», Журжоний, Бектемир туманидаги «Роҳат» каби бир қатор маҳаллаларда спортининг бешкураш, енгил атлетика, мини футбол, эстафетали ўйинлар, шахмат-шашка каби бир қатор турлари бўйича қизиқarli мусобақалар бўлиб ўтди.

—Ушбу мусобақаларни ўтказишдан мақсад ёзги таътил кунларида маҳаллаларда яшовчи ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва қизиқarli ўтказишга ҳисса қўлишимиз,— дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими мутахассиси Хайдарали Қораболаев.— Токи ҳар бир ёш саломатлик гарови бўлган спорт билан шуғулланиб, соғлом турмуш тарзининг афзаллигини тушуниб етсин. Бундай мусобақалар шахримиздаги барча маҳаллалардаги спорт комплексларида спортининг кўплаб турлари бўйича ўтказилади. Шунингдек, маҳаллаларда яшовчи болалар жамоасидан таркиб топган «Футболимиз келажаги» мусобақалари ҳам қизгин паллага кирган. Айни дамда туман биринчилиги учун беллашувлар бўлиб ўтмоқда. Эртага Миробод туманининг «Қатортол» ва Чилонзор туманининг «3-Чарх- Камолон» футбол жамоаларининг 13-14 ёшлилар ўртасидаги бахслари бўлиб ўтади.

Этиборлиси «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ташкил этилаётган, болажонларнинг саломатлигини тиклашга хизмат қилаётган ушбу мусобақаларнинг янада қизиқarli ва таассуротларга бой тарзда ўтказилишига «Камолот» ЕИҲнинг Тошкент шаҳар бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали каби бир қатор ташкилотлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Болаларга, шунингдек ота-оналарга ҳам жуда маъқул бўлаётган ушбу мусобақалар голиблари мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланиб рағбатлантирилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



Ёз — ўтмоқда соз

ГОЛИБЛАРГА — СПОРТ АНЖОМЛАРИ

АЙНИ КУНЛАРДА ЎҚУВЧИ- ЁШЛАР ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДАН УНУМЛИ Фойдаланиб СЎЛИМ ВА ТОЗА ҲАВОДА, ТОҒЛАР БАҒРИДА Жойлашган ОРОМҒОҲЛАРДА МАЗЗА Қилиб ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДАЛАР. ТУРЛИ МУСОБАҚАЛАРДА ҚАТНАШИБ, СОҒЛИКЛАРИНИ ТИКЛАМОҚДАЛАР.

Хусусан кун кеча Тошкент вилоятининг Бустонлик туманида жойлашган «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида туманда жойлашган «Чотқол», «Зафар», «Билдирсой» каби бир қатор оромгоҳларда дам олаётган болажонлар ўртасида спортининг бир неча тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан ташкил этилган ушбу 15- спартакиадада болажонлар астойдил иштирок этишиб, командаларининг ғалаба қозонишига ҳисса қўлишига интилишди.

— Бундай мусобақаларнинг ташкил этилиши албатта ҳар томонлама фойдали ва ниҳоят-да завқли,— дейди биз билан суҳбатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ходими Нилуфар Абдувоитова.— Биринчидан, болажонларнинг саломатликларини тиклаш, соғлом турмуш тарзига интилишнинг ошириш, иккинчидан таътил кунларининг мазмунли ва қизиқarli ўтишига хизмат қилади.

Бўлиб ўтган ушбу мусобақада «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи иштирокчилари спортининг футбол, енгил атлетика, волейбол каби турлари бўйича голибликни қўлга киритишди. Арқон тортиш мусобақасида эса «Зафар» оромгоҳи болаларининг қўли баланд келди.

Шуниси эътиборга молиқки, оромгоҳда дам олувчилар орасида 22-23-Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бўлиб уларга «Алгоритм» оромгоҳи томонидан таъсис этилган футболка ва бош кийимлар совға қилинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА  
СУРАТЛАРДА: «Алгоритм» оромгоҳида бўлиб ўтган мусобақалардан лавҳалар.

2008 — Ёшлар йили  
ГРАНТЛАР ТАНЛОВИ  
ЯКУНЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИЛМ-ФАН ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСINI ТАЪМИНЛАШ, ФУНДАМЕНТАЛ, АМАЛИЙ ВА ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАЪБИҚ ЭТИШНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 7 АВГУСТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИГА ОИД ҚАРОРИ БУ БОРАДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАЙТИР.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил таъбиқ этиш, улғайиб келаётган авлоднинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини юксалтириш, истеъдодли, изланувчан, ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар икки йилда бир марта ёш олимлар фундаментал тадқиқотлари танлови ўтказилмоқда.

Бу йилги танловга Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ва бошқа вазирлик, қўмита ҳамда идоралар тизимидаги олий ўқув юрталари, илмий тадқиқот муассасаларида илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчилардан 186 лойиҳа тақдим этилди. Уларнинг асарияти математика, механика, информатика, физика, астрономия, кимё, биология, тиббиёт, кишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, энергетика, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар сингари илм-фаннинг долзарб ва замонавий масалаларига бағишланган.

Танлов якунига кўра, мазкур лойиҳа муаллифларининг ўттиз саккиз нафари голиб деб топилди ва давлат грантига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Гематология ва қон қўйиш илмий тадқиқот институти патофизиология лабораторияси мудири, тиббиёт фанлари доктори Саидамир Саидов улардан бири. Ёш олимнинг гематология соҳасининг долзарб масалаларидан бири — оластик анемиянинг патофизиология хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий лойиҳаси ўз йўналишидаги энг яхши фундаментал тадқиқот деб топилди.

33 ёшни қаршилаган С.Саидовнинг патофизиология соҳасига бағишланган илмий изланишлари натижаси мамлакатимиз тиббиётида кенг фойдаланилаётган. Жумладан, унинг метаболик синдромнинг келиб чиқиши, кечиши ва уни даволашдаги замонавий ёндашувларга оид илмий изланиши ушбу йўналишда диагностика ва даволаш ишларини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

С.Саидов ҳозирги кунда жаҳон тиббиётининг долзарб масалаларидан бири — эритроцитларнинг метаболизмининг ўрганиш бўйича илмий изланиш олиб бормоқда. Бу илмий лойиҳа гематологик хасталикларни барвақт аниқлаш, бундай касалликлар келиб чиқинининг олдини олиш ва даволаш борасидаги ишлар қўламини кенгайтиришга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Мамлакатимизда ёш авлод жаҳон андозалари даражасида таълим олиши, ўз салоҳиятини тўла намоеъ этиши учун барча шароитлар яратилган,— дейди С.Саидов.— Давлатимиз раҳбарининг келажақ эгаларига кўрсатаётган ана шундай эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида ўзим талланган соҳанинг сир-синоатларини чуқур ўрганишга ҳаракат қилияман. Мамлакатимизда шаклланган тиббиёт илмий мактаблари фаолиятини чуқур ўрганиши, бу борадаги анъаналарни бойитишга, устозларимиз асос солган илмий йўналишларни такомиллаштириш ва эл саломатлигини асрашга муносиб улуш қўлишни асосий вазифам, деб биламан.

Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎА мухбири

Санъат

ТОМОШАБИНЛАРДА ЗАВҚ  
ЎЙҒОТИБ

ГЛАЗГО ШАҲРИДАГИ «КОЛЛЕКЦИЯ БАРРЕЛА» МУЗЕЙИДА УЙОШТИРИЛГАН КЎРГАЗМА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТГА БАҒИШЛАНДИ. ХАЛҚАРО НУФУЗГА ЭГА БЎЛГАН МУЗЕЙНИНГ БУ ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯСИ БРИТАНИЯ КЕНГАШИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛОНДОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«Ўзбек фотографияси—125 ёшда» деган фотосуратлар кўргазмаси ҳам томошабинларга манзур бўлди. Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдим этилган мазкур экспозицияда Истиклол йилларида она диёримизда эришилаётган ютуқлар акс эттирилган.

ЁШЛАР ЙИЛИГА  
БАҒИШЛАНАДИ

ЁШЛАР ЙИЛИ МУНОСАБИТИ БИЛАН РАСМЛАР КЎРГАЗМАЛАРИ ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОИДА УЙОШТИРИЛГАН ЭКСПОЗИЦИЯДАН ҲАМ ТАЛАЙГИНА КАРТИНАЛАР ЎРДИ ОЛДИ.

Бу асарлар истеъдодли ёш расом қизлар ижод намуналаридан иборат бўлиб, ўз жозибалари билан ажралиб туради. Жумладан, Шаҳноз Миркаримова мўйқаламига мансуб расмларда она диёр манзаралари акс этган. Шунингдек, «Миср» болалар нигоҳида» деган танловда голибликни қўлга киритган эди.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ САҲНА  
АСАРИ

ТОШКЕНТДАГИ «ИЛҲОМ» ТЕАТР-СТУДИЯСИДА ЧЕТ ЭЛ ДРАМАТУРГАЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ ҲАМ САҲНА ЮЗИНИ КЎРМОҚДА. ЯҚИНДА ПОСТАНОВКА ҚИЛИНГАН ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ ЭСА ИСТЕЪДОДЛИ НЕМИС ДРАМАТУРГИ АНН ХИЛЛИНГ ПЬЕСАСИ АСОСИДА ЮЗАГА КЕЛДИ.

Ёшлар ўртасида муҳаббатни тараннум этувчи мазкур саҳна асари германиялик ёш режиссёр Йоханн Ботт томонидан постановка қилинди.

Янги спектаклда театр ҳузурида фаолият кўрсатаётган актёрлик маҳорати мактабининг тингловчилари асосий ролларни ижро этмоқдалар.

Акбар АЛИЕВ



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**МАХМУД ЗАМАХШАРИЙ ХИКМАТЛАР**

Баъзи ҳолларда фатво истовчи киши фатво берувчи муфтидан кўра ҳам олимроқ бўлади.

\*\*\*

Баъзи одамлар ўз яқин қавм-қариндошларига ҳайру эзгулик кўрсатмай, яқин (қариндош)лиги бўлмаганларга эҳсон қила-дур — туякуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисо-ли.

\*\*\*

Қанча одамлару қавмлар борки, сизга гуё ип каби эшилиб мулозамат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб фасод чиқаришга интиладилар, гафлатга тушиб шундайларга сира алданмангизлар.

\*\*\*

Сени зиёрат қилувчиларнинг неча зиёратлари борки, уларнинг зиёрати арслон товущининг даҳшатини эшитишдан ҳам оғирроқдир.

\*\*\*

Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғир-роқдир.

\*\*\*

Кўп сўз-иборалар борки, одамларга улар фасохатли кўринса-да, Оллоҳ наздида улар номақбулдор — сўзловчини ҳам, эшитувчини ҳам мулзам қилади.

\*\*\*

Кўп сўзлар борки, улар сени жангу жадалга солиб, ҳалокатга гирифтор қилади ёки улардан қайтарса ҳам елка чуқуриг-ни гул каби қизарган ҳолда келтиригандан кейин қайтаради (яъни кўп машаққатлардан кейин).

\*\*\*

Ҳийлаю рийё билан йиғлаш ва овоз чиқариб намоз ўқишдан савоб ҳосил бўлмас, у соф ният билан астойдил бўлмагандан кейин.

\*\*\*

Арслоннинг ўз уясида ҳайқириб ўкириши, баъзи зиёрат қилувчиларнинг бир мартаба зиёратидан енгил ва ёқимлироқ-дир.

\*\*\*

Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир.

\*\*\*

Ловиллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳақиму оқил одамлар сўндирарлар.

\*\*\*

Ҳаёт вақтингда берган инъом-эҳсонларинг, гарчи уларни қирчанги бўрига берган бўлсанг-да, зое кетмас, қиймат кунда буларнинг ажри сенга бўлур.

\*\*\*

Бир одам ногаҳон хасиснинг таомидан тановул қилса, у юрак оғригига мубтало бўлур, башарти у касални бирор фақир киши келиб зиёрат қилса, хавфидан бош оғриги пайдо бўлур.

\*\*\*

Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол — бу эрақ кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўрагани эмас, бошқачароғини беради (инсоннинг табиати шундай), сотиб олганингда эса ўзингга керагини танлаб олсан.

\*\*\*

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйишлик худбину пасткаш кишиларнинг ахлоқларидандир.

**Йўл қондаси—умр фойдаси**

**«ДИҚҚАТ, ПИЁДА» ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА**

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИБ ЎТГАНМИЗДЕК, ШАҲРИМИЗДА «ДИҚҚАТ, ПИЁДА» ТАДБИРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ ҲАЁТИНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН САҚЛАШ, КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЖОНЛАРГА ЁШЛИКДАН ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОНДАЛАРИНИ ЎРГАТИШ, ТУРЛИ КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Маълумки йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, тўсатдан содир этиладиган авто-тўқнашувларнинг олдини олиш, батартиб транспорт қатновини йўлга қўйиш каби вазифалар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам йўл мобайнида бошқарма ходимлари томонидан корхона, ташкилот ва ўқув юртларида мунтазам турли тадбирлар, учрашувлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Лекин шунга қарамай автотранспортлар ўртасидаги тўқнашув, бахтсиз ҳодисалардан азият чекаётганлар сафи камаймаяпти, пийедалар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб йўлнинг белгиланган жойи, ер ости йўлакларини қолиб ҳоҳлаган жойларидан ўтиб кетадилар. Айниқса, кейинги йилларда болалар ўртасида йўл қондасига амал қилмаслик ёки умуман йўл

қондасини билмаслик туфайли турли кўнгил-сиз воқеалар, бахтсиз ҳодисалар учраб турибди.

—Ушбу тадбирни ўтказишимиздан мақсад йўловчилар узогини яқин қиладиган транспорт воситаларидан фойдаланиш қондалари, пийеданинг йўлда юриш маданияти ва болажонларга йўл ҳаракати қондаларини ўргатишга қаратилган,—дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими катта инспектори, майор Бобур Мўминов.— Чунки бахтсиз ҳодисалар фақат ҳайдовчиларнинг айби билан содир этилмайди, балки унга бевосита пийедалар ҳам дахлдордир. Ўтказилаётган рейдларимиздан маълум бўлмоқдаки, жуда кўп



ҳамшаҳарларимиз шошилаётганларини баҳона қилиб автотранспортлар тигиз бўладиган жойлардан ҳам йўл қондасини кўпол равишда бузиб, катта йўлларга чиқиб, чопиб ўтиб кетаман деб ўз жонларига жабр қиладилар. Арзимас бўлиб кўринган хатолик туфайли бир умр ногирон бўлиб, азоб чекадилар. Қани энди ҳайдовчи ҳам, пийеда, йўловчи ҳам йўл ҳаракати қондаларига тўла амал қилса, ҳеч қайси хонадонда бевақт ўлим бўлмасди, фарзанд доғида ҳеч ким қуймасди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки ушбу ўтказилаётган тадбирга нафақат ички ишлар идоралари ходимлари балки кенг жамоатчилик ҳам жалб этилган бўлиб, шаҳар ва туман

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари ва спорт техник клублари ёшлари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Маҳалларда қизиқarli учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ҳа, ҳар биримизнинг соғлигимиз ва ҳаётимизни сақлаш ўз қўлимизда. Шаҳримизда ўтказилаётган «Диққат, пийеда» тадбири эса турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва инсонга фақат бир марта бериладиган ҳаёт деб аталмиши азиз неъматнинг қадрига етишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА  
СУРАТДА: «Диққат, пийеда» тадбиридан лавҳа

**Спорт янгиликлари**

**ЯМАНДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН**

ЯМАН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ДЭЮДО БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ КЕЧДИ.

Қитъамизнинг энг иқтидорли ёш дэюдочилари иштирок этган турнир муросасиз ва қизиқarli курашларга бой бўлди.

Шуниси эътиборлики, қитъа биринчилигида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Улуғбек Азизов ўз вазн тоифасида барча рақибларидан маҳоратли эканлигини исботлаб биринчи ўринни кўлга киритган ва олтин медаль эгасига айланган бўлса, Юрий Хабарова кумуш медаль насиб этди. Шунингдек, турнирда катнашган Азиз Қурбонов, Абдужалил Абдужалилов ва Мансур Мўминхўжаев-

лар бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Қизлар беллашувларида 52 килограмм вазнда Гулноза Матниёзова биринчи ўринни эгаллаб, Осие чемпиони номига сазовор бўлган бўлса, Ирода Абдурахимова ва Ирода Матмуродоваларга Осие чемпионатининг бронза медаллари насиб этди.

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ—СОВРИНДОР**

РОССИЯДА «ОСИЁ БОЛАЛАРИ» ЎЙИНЛАРИ ТЎРТИНЧИ МАРТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу нуфузли турнирнинг эркин кураш мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Шўкрулло Дадажонов кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, 42 килограмм вазнда гиламга чиққан Олим Тошбеков бронза медали билан кифояланди.

(Ўз муҳбиримиз)

**ЁШЛАР — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ**

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ФЕСТИВАЛ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ёшлар — бизнинг келажагимиз» шiori остида ўтган тадбир шаҳарча ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

—Тадбирда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Беруний, «Чигато-Октепа», «Зиё», Хислат, «Шифокорлар», Мирзо Ғолиб, «Университет» каби тўққизта маҳалланинг 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болажонларини йиғдик. Мақсадимиз уларнинг ёзги таътилдаги бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш эди, — дейди шаҳарча ҳокимининг матбуот котиби Назира Ҳамроева.

—Бугунги тадбирнинг болаларнинг ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялашда, энг муҳими маҳалла учун, ватаним учун деган муқаддас туйғуни шакллантиришдаги ўрни беқийс-дир.

Фестивал давомида болажонлар учун турли спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда болажонлар нафақат жисмоний, балки ақлий машғулотлар орқали синовдан ўтди.

Тадбирни шаҳарчанинг хаваскор санъаткорлари ўзларининг шўх куй-кўшиқлари билан қизитган бўлса, ҳеч ғам-ташвиши йўқ болажонларнинг ширин ўйин-

кулгулари йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

—Бу лойиҳа доирасида йил давомида «Маҳаллада Оромгоҳ», «Билимлар маскани», «Кувноқ бекатлар», «Мустақил юртининг баркамол авлодлари» каби спорт мусобақалари, «Шаҳарча бўйлаб саёҳат», «Табиати асрайлик» каби ақциялар ташкил этилди. Бу тадбирларнинг барчаси ёшларнинг иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқаришларида кўмаклашиш ва жамият, Ватан олдидаги бурчини англаб етишларида муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалда фаол иштирок этган болажонларга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Раҳшона ТОШПЎЛОВА,  
«Туркистон-пресс»

**Мунажжим башорати**

17 июль, пайшанба  
Куннинг рамзи — Қанотли илон инсон ўзидаги пасткаш туйғулар устидан галаба қозонишини билдиради. Олдинги кунларнинг бутун юқини зарур ўзанга солиб юбориш керак. Бугунги кун, шунингдек, ёмон фикрлардан воз кечилмайдиган кун ҳам эканлигини таъкидлашда мунажжимлар. Айниқса, қурилишга оид ҳаракатлар, янги лавозимга киришиш, маънавиятга оид тадбирлар, уй-рўзгор юмушлари, жисмоний фаоллик хайрли бўлиши кутулади.

Ҳамкорлик ва бошқалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ўзаро муносабатларни енгиллаштиради, одамлар эътиборини тортади ва сизга ишда муваффақият келтиради. Бироқ, сиз асосий диққат-эътиборини оилангиз мақсадларига — уни мустақамлашга қаратишингиз керак ва бу имкониятни қўлдан чиқарманг. Зеро, бутун айнан турмуш муаммолари омадли ҳал бўладиган кун.

Қон айланиши ва лимфатик тўғулари касалликлари зўрайиши эҳтимоли бор. Бадан терилари нозиклашган бўлиб, бугун ҳеч қандай косметологик муолажаларни қўламаган маъқул. Ичак ва ошқозон-ичак йўлларида қилинган жарроҳлик операциялари яхши натижа бериши кутулади. Турли нафас олиш машқлари билан шугулланиш фойдали.

Тушларингиз қарама-қарши жинс вакиллари сиз билан ижодий масалаларни ҳал этишлари ҳақида хабар беради. Уларнинг ўнгидан келишини узоқ куттишга тўғри келади, лекин бу куттиш ўзини оқлайди.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи:  
144-51-63, 140-32-18.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

**Тошкент шаҳар Хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан БАНКРОТ деб топилган ҳамда уларга нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар рўйхати:**

№	Корхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатта олинган қарор санаси ва рақами	КТУК (ОКПО)	Хўжалик судининг «БАНКРОТ» деб топилган қарор рақами ва санаси	Тугатиш бошқарувчиси
1	NESBIT GLOBAL BEST	МЧЖ	206699663	21.07.06	001853-03	10-0804/5394	21.05.08 Я. Раҳимов
2	ABSAUB-SERVIS	МЧЖ	300491814	14.06.07	002612-03	22015410 10-0804/5395	21.05.08 Я. Раҳимов
3	AVIA JAHON TOUR	МЧЖ	205588232	27.07.05	000879-03	20151578 10-0804/5396	21.05.08 Я. Раҳимов
4	GRAND QURILISH TRADE	МЧЖ	300449168	14.05.07	002524-03	21884842 10-0804/5397	21.05.08 Я. Раҳимов
5	DOKS-KONSUN	МЧЖ	300317735	02.03.07	002389-03	21564965 10-0804/5398	21.05.08 Я. Раҳимов
6	AKSA-TRONIK	МЧЖ	300494937	27.06.07	002623-03	22015485 10-0804/6391	07.07.08 С. Абдурахимов
7	LINE ART KONSTRUKTION	МЧЖ	300479503	11.06.07	002589-03	22015284 10-0804/6392	07.07.08 С. Абдурахимов
8	UMID MONTAJ STROY	МЧЖ	300363617	30.05.07	002565-03*	21558485 10-0813/8352	14.07.08 С. Абдурахимов
9	MAXA UNVERS PLUS	МЧЖ	205850699	03.05.06	001179-03	20441002 10-0813/8309	14.07.08 С. Абдурахимов

Мақур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек, белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади.

Кредиторлар йиғилиши 2008 йил 21 июлда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давлат эътиборда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичда қуйидаги манзилда қабул қилинади Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23 а-уй, 603-хона.

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
Буюртма Г- 606

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3189 нусхада босилади. Қўроғ бийими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
1 3 4 5 6